

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

694 Фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига Ягона
тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлашнинг разрядларини
белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг, шунингдек шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллалари фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатлар туманлар ва шаҳарлар бюджетлари маблағлари ҳисобига қопланади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 26-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ҳафта муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 17 июль,
500-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 17 июлдаги 500-сон қарорига
ИЛОВА

**Посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг, шунингдек
шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллалари
фуқаролар йиғинлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг
Ягона тариф сеткаси бўйича
РАЗРЯДЛАРИ**

Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлар	
	посёлкалар, қишлоқлар, овуллар ва шаҳарлар маҳаллаларининг фуқаролар йиғинлари	шаҳарлар ҳудудидан ташқарида жойлашган маҳаллалар фуқаролар йиғинлари
Фуқаролар йиғини раиси	6	5
Фуқаролар йиғини масъул котиби	5	4
«Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари	6	5
Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси	6	5
Ҳарбий ҳисобга олиш бўйича мутахассис	5	4